мер.

"ТАСДИКЛАЙМАН"
"Куйилик дехкон бозори"АЖ директори
М.М.Кучкаров
"__" январ 2022 йил

**Бектемир тумани ИИБОФМБ, «Куйилик дехкон бозори» АЖнинг рахбарияти, "Хавфсизлик" булими, "Савдони тартибга келтириш ва назорат килиш", "Савдони ташкил этиш ва ижара ишлари", "Хизмат курсатиш" ва Маънавият/маърифат булимлари хамкорлигидаги мажлис**

**БАЁННОМАСИ № 1**

**" 08 " январ 2022 йил** **Тошкент шахри**

**Мажлис раиси:**
Жамият директори М.М.Кучкаров
**Мажлис катнашчилари:**
Тошкент шахар ИИББ М ва ФРБ бошлиги
1 чи уринбосари подполковник М.М.Пирмухамедов
Тошкент шахар ИИББ М ва ФРБ булими бошлиги
подполковник С.Х.Рахматуллаев
Бектемир тумани 4 сонли ИИБ бошлиги
уринбосари майор Б.У.Раджабов
Ёнгиндан саклаш хизмати инспектори Г.Гафуров
Жамиятнинг хавфсизлик булими ходимлари Ш.Рухиддинов
Ш.Азизов
Жамиятнинг маънавий/маърифий ишлар
инспектори Н.Касимова
Хизмат курсатиш булими бошлиги М.Хусанов
Савдони тартибга келтириш
ва назорат килиш булими бошлиги А.Рахматов
Тозалик булими бошлиги Н.Авазов
**Мажлис иштирокчилари:**
Жамиятнинг ходимлари жаъми: 22 та киши

**КУН ТАРТИБИ:**

1.Бозор худудида жиноятларни олдини олиш ва бартараф этиш, профилактика ишларини ташкиил этиш

2.Жамият ходимларини хизмат вазифасига тулик риоя этиш ва ахолига сифатли хизмат курсатишни таргиб этиш

Тадбирни Тошкент шахар ИИББ М ва ФРБ бошлиги 1 чи уринбосари подполковник М.М.Пирмухамедов очиб барчани кун тартиби билан батафсил

таништирди. Жумладан, тартиб – интизом ва маъсулиятни кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш мухитини мустахкамлаш, хукукбузарликни профилактикасини самарадорлигини ошириш асосий омиллардан биридир. 2017 – 2021 йилларда Узбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йуналиши буйича Харакатлар стратегиясида жиноятчиликка карши курашиш ва хукукбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиклаштириш, диний экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошка шаклларига карши курашиш буйича ташкилий – амалий чораларини кучайтириш, коррупция карши курашишнинг ташкилий – хукукий механизмларини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, ахолининг хукукий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борада давлат тузилмаларининг фукаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан узаро самарали хамкорлик ташкил этилганлиги хакида гапирди.

Шунингдек, ахолини хавфсизлигини таъминлаш максадида жамиятнинг радиотармоги оркали мунтазам равишда огохликка жалб этувчи радио эълонларни кун давомида эшиттиришни ташкил этиш ва хавфсизлик булими ходими Ш.Рухиддиновни маъсул ходим этиб тайинлаш ва назорат килиш вазифасини юклаб, бозор худудида эътиборсиз ва назоратсиз холда мол – мулк, моддий товарларни колдириб кетмаслик, бегона шасларга пластик карта кодини бермаслик, бозор худудида уяли телефонларга диккатли булиш, автотурарголарда автомашиналарни очик холда ва мошиналар ичида пул, телефон ва бошка моддий буюмларни колдириб кетмаслик юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилди. Жамият ходимларини кун давомида хизмат вазифасини тулик бажариш, ИИБ ходимлари билан хамкорликда жамоат тартибини саклаш, профилактика ишларини ташкил этиш, жиноятни олдини олиш борасида сергак ва огох булишга жалб этилди.

**КАРОР КАБУЛ КИЛИНДИ:**

1. Жамиятнинг радиотармоги оркали кун давомида радиоэшиттиришларни ташкил этиш ва назорат килиш вазифаси хавфсизлик булими ходими Ш.Рухиддинов зиммасига юклатилсин
2. Жамият ходимларини хизмат вазифасини тулик бажаришга жалб этиш ва сергаклик хамда огохликка жалб этиш борасида тушунтириш ишлари ва йурикномалар олиб бориш
3. Радио эълонларни узбек ва рус тилида кун давомида эшиттиб боришни ташкил этиш

Маънавий/маърифий ишлар инспектори Н.Касимова